

## Ш А Р Т Н О М А № \_\_\_\_\_

### «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБНИНГ СЎМДАГИ КОРПОРАТИВ ПЛАСТИК КАРТЛАРИНИ ФЙДАЛАНИШГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

\_\_\_\_\_ шаҳри

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

«Микрокредитбанк» АТБнинг \_\_\_\_\_ номли филиали номидан (кейинги ўринларда «Банк» деб номланади) Устав асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ бир томондан ва \_\_\_\_\_ номланувчи ташкилот (кейинги ўринларда «Корхона» деб номланади) номидан иш юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи томондан, (биргалиқда «Томонлар» деб номланади) ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

#### 1. ШАРТНОМАДА ҚўЛЛАНИЛГАН ТУШУНЧАЛАР

1.1 **Сўмдаги корпоратив карта («Карта»)** – Корхонанинг бизнес-ҳисоб рақами билан таъминланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар ва сафар харажатларини тўлаш учун мўлжалланган маълум бир шахсга бириктирилган сўмдаги тўлов воситасидир. Карта Банк томонидан муомалага чиқарилади ва унинг мулки ҳисобланади, шунингдек карта Банк томонидан белгиланган маълум муддатга вақтинчалик фойдаланиш учун берилади.

1.2 **Карта эгаси** – Корхона ходими ҳисобланиб унинг номига Карта берилади.

1.3 **Бизнес ҳисоб рақами** – Карта эгасининг Картдан фойдаланган ҳолда ўтказган операцияларини ҳисобга олиб борувчи Корхонанинг Банкдаги ҳисоб рақами.

**Харажат лимити** – Корхона томонидан Карт орқали қилинадиган харажатларнинг рухсат этилган чегараси.

**Карта бўйича ҳисобот** – банк томонидан тузилган корпоратив карта бўйича амалга оширилган барча операцияларни ўз ичига олувчи ҳужжат.

#### 2. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

2.1 Банк Корхонага сўмдаги Карт орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун «бизнес- ҳисоб рақами» очади. Ҳисоб рақами очилиши Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчиликка, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва «Микрокредитбанк» АТБнинг ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.2 Банк Корхона ходимлари учун Картларни муомалага чиқаради ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, «Микрокредитбанк» АТБнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари ҳамда мазкур Шартнома шартларига мувофиқ Картдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоб китоблар ўтказмасини таъминлайди, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун белгиланган Тарифга асосан ҳақ ундиради.

#### 3. КОРХОНА БАНККА ҚўЙИДАГИ ВАКОЛАТЛАРНИ БЕРАДИ

3.1 Корхона ҳисоб рақамидан маблағларни қуйидаги ҳолларда акцептсиз тарзда ҳисобдан чиқаришни амалга ошириш:

- Карта Банкка топширилгунга қадар Карт орқали қилинган операциялар суммаси, шу жумладан Банк хизматлари учун Тарифда кўзда тутилган тўловларни;
- Карта эгаси важлари асосизлигини ҳужжатлар асосида исботлайдиган транзакция ҳужжатларини олишга қилинган харажатлар суммаси;

- Ушбу Шартнома шартларини бузган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар суммаси.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Корхонанинг мажбуриятлари:

4.1. Корхона банкга карта олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

- Корхона томонидан Корхона бошлиғи, бош бухгалтери имзоси ва муҳри билан тасдиқланган Карт олувчи ходимлар рўйхати (Ушбу шартномага 1-илова);
- Рўйхатда кўрсатилган ҳар бир ходимнинг паспортдан нусха.

4.2. Корхона Банкка ушбу Шартноманинг 2–илувасидаги шаклга мувофиқ Корхона ва унинг раҳбар ходимлари, шунингдек ушбу Шартнома шартларини бажаришда Банк билан алоқа олиб боровчи жавобгар шахс тўғрисидаги маълумотни тақдим қилиши лозим.

4.3. Банк томонидан белгиланган Тарифга мувофиқ сўмдаги корпоратив картнинг таннариhini тўлаб бериши лозим.

4.4. Корхона Банкка юқоридаги 4.2 бандда келтирилган маълумотлар ўзгарган ҳолда ушбу Шартноманинг 2-илувасида берилган шаклга асосан 2 иш кунидан кечикмасдан хабар беради.

4.5. Корхона бизнес ҳисоб рақамига маблағларнинг биринчи ўтказмасини Картни бериш бўйича Тарифда кўзда тутилган шартларга асосан амалга оширади.

4.6. Корхона Картлар бўйича харажатлар лимитини тўлдириш учун ўз маблағлари ҳисобидан бизнес ҳисоб рақамига ўтказма қилиши лозим ва корпоратив картларни тўлдириш бўйича реестерни Корхона бошлиғи, бош бухгалтери имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган ҳолда (ушбу Шартноманинг 3-илуваси) Корхонанинг ваколатли ходими орқали Банкка тақдим қилиши лозим.

**4.7. Корпоратив банк карталарини сақловчилари савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида миллий валютадаги корпоратив банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори билан тасдиқланган “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”да, унга киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда, кўзда тутилган харажатларни тўлаш учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин.**

4.8. Юқорида санаб ўтилган ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва «Микрокредитбанк» АТБнинг ушбу турдаги ҳисоб рақамлари бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш юзасидан амалдаги меъёрий ҳужжатлари ҳамда мазкур Шартнома шартлари ва қоидаларига асосан амалга ошириш;

4.9. Иш ҳақи ва бошқа ижтимоий характердаги тўловларни Карт орқали амалга ошириш мумкин эмас.

4.10. Картни Корхонанинг ишончнома берилган ваколатли ходими ёки бевосита Карт эгаси Банкдан олиши мумкин. Корхонанинг ваколатли ходимлари томонидан Карт олинаётган вақтда акт тузилади.

4.11. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Корхонанинг ваколатли ходими Банкдан Картни олган кундан бошлаб, Карт орқали ўтказилган барча ҳисоб китоблар учун жавобгар ҳисобланади.

4.12. Карт йўқолган вақтда (йўқотиш, ўғирланиш ва ҳ.к) дарҳол Банкка хабар берилиши лозим ва бунга асосан Банк Карт бўйича бўладиган ҳисоб китоблар ҳаракатини тўхтатади.

4.13. Картнинг ҳаракат муддати тугамасдан уни яна қайта муомалага чиқариш лозим бўлганда, Корхона Банкка ариза ва Картни қайта муомалага чиқариш сабаби кўрсатилган хат билан мурожаат қилади, шунингдек Карт Банкка топширилади (агар у мавжуд бўлса).

**4.14. Банк корпоратив картаси эгаси ҳар 10 кунда юридик шахснинг бухгалтерия бўлимига корпоратив банк картаси орқали қилинган харажат суммалари юзасидан ҳисобот тақдим қилиб боради.**

4.15. Картнинг ҳаракат муддати тугагандан сунг, қайта муомалага чиқарилган Картни олиш вақтида (Карт йўқотилган ҳолатдан ташқари), шунингдек Банкнинг Картни қайтариш бўйича ёзма талабномаси олингандан сунг 3 календар куни ичида Карт Банкка қайтарилиши лозим.

4.16. Агарда Карт берилган ходим ишдан бўшатиш тақдирда Корхонанинг ваколатли ходими Картни ходим бўшатиш кундан кечиктирмаган ҳолда ёки Карт эгаси Картни ишдан бўшаш кунидан 15 кун олдин бевосита Банкка топшириши лозим.

4.17. Аввалда йўқотилган Картлар топилганда бу ҳақда Банкка дарҳол хабар қилиниши ёки 3 иш кунида Банкка топширилиши лозим.

4.18. Карт ҳисоб рақамидаги пул маблағидан қайси мақсадларда ишлатилиши борасида Карт эгаларининг ҳар бирини хабардор қилиш лозим.

4.19. Ҳар бир Карт эгаси корпоратив картларни Корхона бош бухгалтерига ҳисоботлар қаторида сақлаш учун топширадилар.

4.20. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтган “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги”ги Низом талабларига тўлиқ риоя этади.

## **5. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Банк Корхона учун бизнес ҳисоб рақами очган кундан бошлаб, 10 иш кунида Корхона ходимларига кўрсатилган рўйхат бўйича Картларни муомалага бериши, шунингдек Корхона томонидан Банкка 4.1 бандда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилиши лозим.

5.2. Зарур бўлган тақдирда корхона ёзма талабномасига асосан Банк корхонанинг ваколатли ходимига бизнес ҳисоб рақами ва Карт эгалари бўйича ҳисоботларни тақдим қилади.

5.3. Корхона томонидан Банкка ушбу Шартноманинг 4.1, 4.2, ва 4.14 бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим қилиниши бўйича камчилик аниқланганда бу ҳақда 5 иш кун ичида Корхонага хабар бериши лозим.

5.4. Агарда Карт эгаси Картни бевосита Банкка қайтарганда бу ҳақда 3 иш кунида Корхонага хабар бериши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

6.1 Корхонанинг ҳуқуқлари:

6.1.1 Картнинг амал қилиш муддати тугамасдан олдин уни қайта муомалага чиқариш бўйича Банкка мурожаат қилиш.

6.1.2 Картнинг амал қилишини тўхтатиш юзасидан Банкка ёзма мурожаат қилиши.

6.2 Банкнинг ҳуқуқлари:

6.2.1 Корхона ходимига Картни бериш ёки қайта муомалага беришда рад жавобини бериш.

6.2.2 Белгиланган Тарифларни бир томонлама ўзгартириш ва бу ҳақда банк маълумотлар тахтасида 30 кун муддат аввал эълонлар чиқариш.

6.2.3 Корхона томонидан ушбу Шартнома шартлари бажарилмаганда ёки Шартнома шартларига зид ҳолатлар аниқланганда Картнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш (ёки блокировкага олиш) ва бунинг учун Тарифда белгиланган тўловларни ундириш.

6.2.4 Агарда Картнинг амал қилиш муддати тугамасдан 45 кун олдин Корхона Картнинг қайта муомалага чиқарилишини рад этиш тўғрисида ёзма мурожаат қилмаган бўлса Картни қайта муомалага чиқариш.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Томонлар Шартнома шартларини бажармаганда ёки Шартнома шартларига зид ҳолатларни амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу Шартнома шартларига асосан жавоб берадилар.

7.2. Корхона томонидан ушбу Шартноманинг 4.1, 4.2 ва 4.14 бандларида кўрсатилган ҳужжатлар камчилиги билан боғлиқ ҳолда Банк томонидан Картларни муомалага чиқариш ёки қайта чиқариш муддатлари кечикса, бунда ўтказилган муддат учун Банк жавобгар ҳисобланмайди.

7.3. Банк Корхона ва Карт эгаси ўртасидаги келишмовчилик учун жавобгар ҳисобланмайди.

7.4. Агар Карт йўқотилган ўғирланган бўлса Карт эгаси Банк ёзма равишда хабардор қилинган пайтга қадар ва хабардор қилинганидан сўнг 120 соат мобайнида амалга оширилган барча транзакциялар юзасидан жавобгардир. Карт эгаси Банкга тақдим этилаётган барча ахборотларнинг тўғрилиги учун жавоб беради.

7.5. Агар Карт эгаси унинг ШИН КОДи учинчи шахсга маълум эканлиги тўғрисида шубҳаланаётган бўлса, Банк ҳар қандай молиявий йўқотишлар учун жавобгар бўлмайди.

7.6. Корхона томонидан Банкка ушбу Шартноманинг 4.6, 4.9. бандда кўрсатилган ҳужжатлар ўз вақтида тақдим қилинмаган тақдирда Банк мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ органларига хабар беради.

7.7. Томонлар ушбу Шартнома шартларини ва Шартномага боғлиқ барча маълумотларни сир сақлашлари лозим. Томонлар ушбу маълумотларни бир томоннинг ёзма розилигисиз учинчи томонга беришлари мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

## **8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг Томонлар аввалдан Шартнома шартлари билан кўзда тутилмаган фавқулодда ҳолатлар юз берганида Шартнома шартларини бажаришдан озод бўлиши мумкин. Бунга қуйидагилар киради: сув тошқини, ёнғин, ер силкиниши, шунингдек уруш ва уруш ҳаракатлари ҳамда шу каби Томонлар ақл идроки билан бошқариб бўлмайдиган ҳолатлар.

8.2 Агарда Томонларнинг бирида 7.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда бу ҳақда иккинчи Томонга 5 иш кунинда хабар бериши лозим. Хабарда юз берган ҳолат тавсифи ва тафсилоти, унинг Шартнома шартларига қайси даражада таъсир қилиши кўрсатилиши лозим. Келтирилган ҳолатлар бўйича хабар қилинмаган ёки кечиктириб хабар қилинганда кейинчалик ушбу ҳолатларни ваз сифатида кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

8.3 Бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар бўйича ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг тегишли органларида расмийлаштириш лозим.

8.4 Форс-мажор ҳолатлари 3 ойдан кўпроқ давом этганда Томонлар Шартнома шартларини қайта кўриб чиқишлари мумкин, бунда Томонларнинг ўзаро Шартнома шартларини бажарганликлари бўйича тўлиқ ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

## **9. ЎЗАРО НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

9.1 Шартнома шартларини бажаришда келиб чиқадиган барча низоларнинг ечими биринчи навбатда икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

9.2 Томонлар ўртасида юзага келган тушунмовчиликлар ўзаро келишув асосида ҳал бўлмаса ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судига кўриб чиқиш учун берилади.

## **10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

10.1 Шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 1 йил муддатда амал қилади.

10.2 Корхона ушбу шартномани Банкни ёзма оғохлантирган ҳолда бекор қилиши мумкин. Корхона бу ҳақда Банкка 45 календарь кун олдин хабар бериши лозим. Шартнома бекор қилинишида 45 календарь кунинда қуйидаги шартлар бажарилиши шарт:

- Корхона Банк томонидан берилган барча Картларни қайтарганда;
- Корхона бизнес ҳисоб рақамидан корпоратив Карт орқали амалга оширилган барча суммалар ечиб олинганда;
- Тарифда кўзда тутилган тарзда Корхона томонидан хизматлар учун тўловлар амалга оширилганда;

- Шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ низоларни тўлиқ бартараф этилганда;
- Корхона Банкка бизнес ҳисоб рақамидаги қолдиқ суммани унинг асосий талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамига ўтказиб бериш юзасидан ёзма мурожаат қилиш (бунда Корхона реквизитлари тўлиқ кўрсатилиши лозим) ва ўз навбатида Банк ушбу Шартномада кўрсатиб ўтилган ҳамма тўловларни амалга ошириб бўлгандан сўнг қолдиқ суммани ўтказиб бериш.

10.3 Банк ушбу Шартномани Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларга асосан бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## 11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1 Сўмдаги корпоратив пластик картдан фойдаланиш ушбу Шартноманинг 4-иловасига асосан амалга оширилади.

11.2 Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар Томонларнинг имзоси билан икки нусхада ёзма шаклда амалга оширилганда ҳақиқий ҳисобланади.

11.3 Томонлардан бирининг ташкилий - ҳуқуқий мақоми ўзгарса ёки тугатилганда бу ҳақда иккинчи Томонга ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 иш кунда маълум қилиши лозим.

11.4 Ушбу Шартнома билан тартибга солиб бўлмайдиган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан фойдаланадилар.

11.5 Ушбу Шартнома унинг ажралмас қисми бўлган иловалари билан икки нусхада тузилади ҳамда бир хил юридик кучга эга бўлади, уларнинг бири Банкка, иккинчиси Корхонага берилади.

**Банк:**

\_\_\_\_\_

АТБ «Микрокредитбанк» филиали

Манзил:

\_\_\_\_\_

—

Банк \_\_\_\_\_  
реквизитлари:

\_\_\_\_\_

—

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_

(имзо)  
М. Ў.

**Корхона:**

\_\_\_\_\_

(Ташкилот номи)

Манзил

\_\_\_\_\_

—

Банк \_\_\_\_\_  
реквизитлари:

\_\_\_\_\_

—

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_

(имзо)  
М. Ў.